

## КОНФУЦИЙ ВА ИБН МИСКАВАЙҲ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДАГИ УЙҒУНЛИК



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-732-738>

Сулаймонова Шаҳноза Нодировна

ТДШУ докторанти

[shahnozanodirovna@gmail.com](mailto:shahnozanodirovna@gmail.com)

(91)164-02-86

**Аннотация:** Мазкур мақола Хитойда ва араб Муслумоноламида идеал ахлоқ ва инсон камолоти, бир сўз билан айтганда, ахлоқ фалсафаси билан машхур бўлган “икки устоз” – Конфуций ҳамда ибн Мискавайҳнинг комиллик тўғрисидаги қараишларини мушоҳадасига бағишланади.

**Калит сўзлар:** идеал ахлоқ, инсон, жамият, инсон табиати, комиллик, эзгулик, бахт-саодатга эришиш шартлари.

## THE HARMONY IN CONFUCIUS AND IBN MISKAWAYH'S MORAL VIEWS

**Abstract:** This article is dedicated to the observation of ideal morality and human perfection, in a word, the views of perfection of "two teachers" - Confucius and ibn Miskawayh, who are famous for their moral philosophy in China and Arab Muslim world.

**Key words:** ideal morality, man, society, human nature, perfection, virtue, conditions for achieving happiness.

## ГАРМОНИЯ В МОРАЛЬНЫХ ВОЗЗРЕНИЯХ КОНФУЦИЯ И ИБН МИСКАВАЙХА

**Аннотация:** Данная статья посвящена наблюдению идеальной нравственности и человеческого совершенства, словом, взглядам на совершенство «двух учителей» - Конфуция и ибн Мискавайха, известных своей моральной философией в Китае и арабском мусульманском мире.

**Ключевые слова:** идеальная мораль, человек, общество, человеческая природа, совершенство, добродетель, условия достижения счастья.

## КИРИШ

Шарқ маданияти инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган. Шарқ халқлари тарихи узок ўтмишга бориб такалади. Демак, олам, жамият, табиат, ахлоқ, дин, давлат каби тушунчалар ҳам ўша пайтлардан шаклланиб келган. Лекин унинг ривожланишида муайян шахсининг ёки таълимотнинг ўрни

бикёсдир. Буюк мутафаккирлар ўзларининг яратган таълимотлари билан инсоният жамиятининг маънавий, ахлоқий қиёфасини сақлаб қолишга ҳаракат қилишган.

Маълумки, комил ва етук инсон башариятни қадимдан қизиқтириб келган масаладир. Аслини олганда, комил инсонни вояга етказиш асрлар мобайнида кишиларнинг орзуси, истаги, идеали бўлиб келган. Биз бу ишимизда ўзларининг идеал ахлоқ ва инсон камолоти, бир сўз билан айтганда, ахлоқ фалсафаси билан машҳур бўлган “икки устоз” – Конфуций ҳамда ибн Мискавайҳнинг комиллик тўғрисидаги қарашларини мушоҳада қилишга қарор қилдик.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллардан фойдаланилди.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Конфуций тахминан мил.авв 550 йилда туғилиб, мил.авв. 479 йилда вафот этган. Мутафаккирнинг исми Кун Цю бўлган. Аммо унинг илмдаги устунлик мақомига ишора қилишиб Кун Фу Цзи, яъни “устоз Кун” деб атаганлар. Файласуф таълимоти Хитойда шаклланиб, ривож топган бўлсада йиллар, асрлар ўтиб дунёдаги кўплаб, халқларнинг ижтимоий, сиёсий, адабий-маданий ва ахлоқий-маърифий тафаккурига баракали таъсир кўрсатди. Конфуций ёшлигидан таълим тарбия олиш баробарида, ўзи ҳам ҳаётнинг долзарб соҳалари билан махсус шуғулланди ва Хитойда катта ҳурматга сазовор бўлган муаллим сифатида шуҳрат қозонди. У асос солган мактабда оддий халқ вакиллардан ташқари, юқори мансаб-мартабали кишиларнинг фарзандлари таълим олиб, тарбияланди.

Конфуций таълимотидаги асосий ғояларда инсонпарварлик, одоб ва ахлоқ каби масалалар устуворлик қилади. Конфуций “комил инсон” (Цзюнь-цзу) ҳақидаги ғоясини яратди. Цзюнь-цзи юксак маънавиятли инсон – икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (аждодлар олдидаги қарзни)ни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидоий бўлиши керак. У ўзини аямасдан ўз ишончига, ўз ҳукмдориغا, ўз отаси ва барча ўзидан катталарга хизмат қилиши керак. Бундай инсон доимо камолот сари интилиши керак деб ҳисоблайди. У одамзот ҳаёт тарзини ўзининг дунёқараши билан меъзонлашга ҳаракат қилган. “Ўзингга раво кўрмаганни ўзгага раво кўрма” шиори Конфуций ғояларининг марказида туради. Пок инсонда беш хислат бўлиши, у умрини шу тамойил асосида яшаши керак, деб уқтиради мутафаккир.

Биринчи қоида – одамларга муҳаббат, меҳрибонлик, инсонпарварлик. Буни у одамда одамийликнинг бошланиши, деб таърифлайди. Инсон ўзининг ахлоқий бурчини англамай туриб ўзини англай олмайди, дейди у. Инсон ўзини

ўзидан топади, деган қондани таклиф этади. Бу нарса инсонни ҳайвондан фарқлайдиган, разолат, жаҳолатга қарши тура оладиган фазилатдир дея уқтиради. Конфуций ўз таълимотидаги биринчи қонданинг рамзи деб **Дарахтни** танлайди.

Иккинчи қоида – ҳақиқат, адолат. Инсон яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариши лозим. Ҳақ сўз, ҳақ амал ҳамиша ғолиб. У инсонга қатъийлик бахш этади, худбинликка қарши туради, дейди файласуф. “Оқил одам адолат излайди, пасткаш эса манфаат”, дейди Конфуций. Адолат рамзи деб **Темирга** ишора қилади.

Учинчи қоида – удм, одат, анъанага содиқлик. Масалан, ота-онага ҳурмат кўрсатиш. Бунда Конфуций жамият бирлиги, ўзаро ҳамжихатлик ва ҳурмат-эътиборни, халқона урф-одатга қатъий риоя этилишини, ижтимоий ҳимояни назарда тутган. **Олов** ҳаммага баробар иссиқлик ва ёруғлик таратади дея уни рамз сифатида белгилаган.

Тўртинчи қоида – соғлом фикр, донолик, оқиллик, ўз хатти-ҳаракати оқибатларини олдиндан кўра билиш, ўзига четдан қараб баҳо бера олишдир. Унга кўра инсон ўз фазилатларини меъёрлаштиради, қайсарлигини жиловлайди, аҳмоқликка қарши тура олади. Барча нарсани поклаш қудратига эга **Сув** унинг рамзи деб ҳисоблайди.

Бешинчи қоида – самимият, пок ният, ҳурфикр, саҳийлик ва виждонлилик. Инсон худбинликни четлай олади, дейди Конфуций ва саховатли **Ерни** шундай фазилатлар рамзи деб таърифлайди.

Мазкур беш қоидага Конфуций фалсафий-ахлоқий таълимотининг асосий мағзи сингдирилган дейишимиз мумкин.

Ушбу ғояларга мантиқий ҳамоҳанг бўлган фикр ва қарашларни ислом файласуфлари таълимотларида ҳам учратамиз. Конфуцийдан деярли 15 аср кейин яшаган мутлақо бошқа цивилизация вакили, шарқда ахлоқ фалсафаси билан машҳур бўлган ва “Учинчи муаллим” унвонига лойиқ кўрилган ибн Мискавайҳ учун ҳам ахлоқий комиллик, инсон бахт-саодати асосий масала ҳисобланган.

Ибн Мискавайҳнинг ахлоқни тадқиқ қилишдан мақсади бахт-саодатга эришиш йўллари аниқлашдан иборат эди. Унингча, идеал бахт-саодат оқилона бахт-саодатдир. Гарчи ҳаракат муҳим ҳамда асосий омил бўлсада, бир воситадир, агар одамни мақсадга олиб келмаса, у номуносибдир деб ҳисоблайди.

Ибн Мискавайҳнинг “Таҳзиб ал-ахлоқ” асари камолотга етишишнинг иккинчи босқичи, яъни инсоннинг ҳаракат қуввати орқали комилликка эришишига бағишланганини таъкидлаш жоиз. Мутафаккир фикрича, комилликка эришишнинг биринчи босқичи бу илмий имконият, иккинчи босқичи ҳаракат қувватидир. У илмий имконият деганда комилликка эришишнинг назарий қисмини, ҳаракат қуввати деганда эса, комилликнинг

амалий қисми, яъни фаолиятни назарда тутати. Комилликка эришиш осон иш эмас, албатта. Буни истаган киши барча билимларнинг якуний ва охирги босқичи - Парвардигорни билиш даражасига етиш учун сабр-чидам билан поғонама-поғона юксалиб бориши зарур.

Мискавайхнинг фикрича, ахлоқийликнинг охирги мақсади бўлган инсон камолоти жамоа ичида ва жамият ёрдамида қўлга киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Инсон ўзини такомиллаштириш йўлида ҳамма махлуқот ва унинг хоссалари ҳақида билимга эга бўлган тақдирдагина у “олами сағир” – кичик олам деб аталишга муносибдир. Инсон комиллашувнинг ана шу даражасига этиб борса, кейин ўз қувватларини ташкиллаштириш ҳаракатида қўллайди ва ўзининг ички қувват ва қобилиятини бор билимига мувофиқлаштириб, ўзи бир оламга айланади, зеро нарсаларнинг сурати унинг моҳиятининг бир қисми бўлиб қолади. Бундай пайтда қандайдир ҳолатда у олам билан бирлашиб, ягона яхлитликни ташкил этади. Мискавайх инсоннинг камолга етишиш йўли ақл ва фалсафа орқали бориши кераклигини таъкидлайди.

Алломанинг ахлоқий қарашлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, у инсоннинг ахлоқий ҳислатлари сифатида – нафсни тийиш, оқиллик, донолик, билимдонлик, мулоҳазакор бўлиши, ботирлик, сабр-тоқат, муҳаббат, одил бўлиш, ҳақиқатгўй, маънавий юксакликка интилиш, адолат ва саҳобат кабиларни тушунади. У шунингдек қадимги қадриятларга таянган ҳолда, яхшилик, адолат, бахт, ҳақидаги тушунчаларга алоҳида эътибор қаратиб, уларни тавсифлаб ўтади.

Унинг фикрича, яхшилик бу ҳаёт мазмунининг чўққисидир. Бу олий яхшиликка ҳамиша ёмонлик қарши туради ва бу ёмонлик бир неча яхши омил ва ҳислатларнинг йўқолиши оқибатида пайдо бўлади. Агар яхшилик бор жойда “борлик” (асл жамият) ҳам ривожланади, агар ёмонлик кўпайса, у сўнади. Касаллик бу – ёмонлик, яъни “борлик”нинг сўнишидир.

Файласуф инсоннинг комилликка етишишидаги дуч келинадиган муаммолар ва уларнинг ижобий ҳал этиш усуллари, бахтли ҳаёт кечириш шартлари, руҳий ва жисмоний соғломликка эишиш чораларини ечишга уринади. Унинг бу қарашлари ҳозирда биз ахлоқан жисмонан ва маънан соғлом фарзандларни тарбиялашга, келажаги буюк ватан куриш йўлидаги фикрларимиз билан ҳамоҳанлиги аҳамиятлидир.

Ибн Мискавайх ахлоқий фазилатларни турли хил категорияларга ажратиб чиқади. Бу Конфуцийнинг олийжаноб инсоннинг фазилатлари деб номланган тамойилларига жуда ўхшашлиги жуда қизиқарли. Шу сабабдан икки файласуфнинг фазилатлар категориясини қиёслашга қарор қилдик.

№	<b>Конфуцийга кўра олийжаноб инсоннинг фазилатлари</b>	<b>Ибн Мискавайхга кўра ахлоқий фазилатлар</b>
---	--	--

1.	<b>Жэнь (仁) – инсонпарварлик.</b> Инсонларга муҳаббат, меҳрибонлик қилиш. Бу инсондаги асосий фазилат бўлиб, унинг севги ва нафратнинг тўғри мувозанатини сақлаш қобилиятини белгилайди.	<b>Муҳаббат</b> – севги, садоқат, меҳр, бирдамлик. Энг олий севги Аллоҳга бўлган муҳаббат. Иккинчи муҳим севги - бу устозга бўлган муҳаббат. Устоз маънавиятли ота-она ва тарбиячи бўлгани учун уни бахтга эришишда йўл кўрсатувчи сифатида кўрган. У олий деб билган учинчи муҳаббат ота-она муҳаббатидир.
2.	<b>И (義) – ҳақиқат, адолат, бурч.</b> Инсон яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариши лозим.	<b>Адолат</b> – тўғри ҳукм чиқариш, муҳаббат, одиллик, ҳурмат-эҳтиром, ҳасаднинг йўқлиги, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш.
3.	<b>Ли (禮)-қоидаларга бўйсунуш.</b> яъни меъёрий хатти-ҳаракатлар ва жамият ташкил этган қоидаларни бажариш.	<b>Интизомлилик</b> – гўзал хулқни тарбиялаш, яхши одатларни тарк этмаслик, ирода, жиддийлик,
4.	<b>Чжи (智) – соғлом фикр, донолик, оқиллик, билим.</b> Инсонга нафақат билимни қабул қилишга, балки уни амалда қўллашга ёрдам беради.	<b>Ҳикмат</b> – заковат, хотира қобилияти, ақл юритиш, тез ва кучли фаҳмлаш қобилияти, мусаффо зеҳн ҳамда нарсаларни осонлик билан ўрганиб олиш.
5.	<b>Синь (信) – самимият, пок ният, ҳур фикр, сахийлик ва виждонлилик.</b>	<b>Ахлоқий софлик</b> – ҳақиқат ва тўғрилиқни қадрлаш. Қалбни тозалаш.
6.	<b>Юнь (勇) – жасурлик, мардлик.</b>	<b>Шижоат</b> – мардлик, жасурлик, ботирлик.
7.	<b>Дао (道) – йўл, ҳақиқат;</b> Бу тўғри йўл, ахлоқий, инсон ва осмон томонидан яратилган. Инсоннинг ҳаётдаги мақсади шу йўлдан боришдир.	<b>Аллоҳга бўлган муҳаббат</b> – илоҳий бахтга эришиш.
8.	<b>Сяо (孝) – ота-онани қадрлаш.</b> Яъни аجدодларга эҳтиром, фарзандлик бурчини адо этиш.	<b>Саҳоват</b> –ҳурмат, карам, яхшилик, саҳоват, ҳамдардлик, мурувват, кечимли бўлиш.
9.	<b>Дэ (德) – эзгулик, эзгу амаллар.</b>	<b>Яхшилик қилиш</b> – эзгулик, лутфга бой бўлиш, ҳар қандай ҳолатларда мурувватли бўлиш.

10.	<b>Цай (材) – қобилият, иқтидор, инсон табиати.</b>	<b>Ирода</b> – илм олишга интилиш, хуқлни мунтазам тарбиялаб бориш, жаҳл-ғазабга йўл қўймаслик.
11.	<b>Ти (悌) - катталарга хурмат.</b> Ака-укалик ришталарини маҳкам тутиш.	<b>Биродарлик</b> – қариндошчилик, ҳамжиҳатлик, фидойлик.
12.	<b>Чжунь (忠) – садоқат.</b> Сидкидилдан ҳизмат қилиш.	<b>Садоқат</b> – дўстлик, содиқлик, гўзал шерикчилик, ҳамкорлик.
13.	<b>Саньган (三綱) – уч устун</b> (раиятнинг ҳукмдорга, ўғилнинг отага, хотиннинг эрга итоати)	<b>Улуғлик</b> – серҳимматлилик, ҳаё, итоатлилик.
14.	<b>Цзюнь-цзы (君子) – олийжаноб</b> эр, ўзида ахлоқий фазилатларни мужассам этувчи донишманд, комил инсон.	<b>Донишмандлик</b> – маънавий камолотга олий бахт-саодатга эришиш, ҳузур-ҳаловат топиш.
15.	<b>Хэ (和) – уйғунлик, сокинлик, осойишталик.</b>	<b>Ҳилмлик</b> – мурасасозлик, тенглик, юмшоқлик.
16.	<b>Шунь (順) – итоат, бўйсунуш.</b>	<b>мулоҳазакор бўлиш</b> – машаққатли меҳнатга чидам ва сабрлилик.

## ХУЛОСА

Конфуций ва ибн Мискавайҳнинг фалсафий қарашларида марказий ўринни ахлоқий масалалар эгаллаган. Юқорида кўрганимиздек, икки файласуф ахлоқ, бахт-саодат, адолат, комиллик, муҳаббатга доир қарашлари ўртасида кўплаб яқин жиҳатлар мавжуд. Масалан, Конфуцийнинг таълимотига кўра, одоб нечоғлик такомиллашса, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилса, жамият шунга монанд тараққий этиши мумкин. Конфуцийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари жумладан, қалб, руҳият, яшашнинг маъноси, адолат, инсонпарварлик, ахлоқ-одоб, виждон ва ўзликни англаш ҳақидаги кўпгина фикрлари, Мискавайҳ инсоннинг ахлоқий ҳислатлари сифатида келтирган – нафси тийиш, оқиллик, донолик, билимдонлик, мулоҳазакор бўлиши, ботирлик, сабр-тоқат, муҳаббат, одил бўлиш, ҳақиқатгўй, маънавий юксакликка интилиш, адолат ва саҳобат тўғрисидаги ғоялари билан уйғун дея оламиз. Яна шуни айтишимиз мумкинки, файласуфлар учун бу ҳислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг илмли ва маърифатли бўлишидир. Чунки, улар ахлоқни ақл билан узвий боғлаб, уни тафаккурга асосланган ҳолда тушунади.

Комил инсон ғояси ҳар бир даврга мослашиб, конкрет мазмун ва аҳамият касб этади. Комил инсоннинг асосий сифати эзгулик экани ҳақидаги умуминсоний ғоялар замонлар оша такомиллашиб, бунёдкор ғояларга таъсир

этиб келди. Бизнинг давримизда эса комил инсон ғоясини бойитиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Комил инсон – озод ва эркин, миллий қадриятлар руҳида тарбияланган, мустақил фикрли, билимли, ижодкор, фаол ва огоҳ инсондир. Шу жиҳатдан Конфуций ва ибн Мискавайҳнинг ахлоқий қарашлари ҳар замон долзарблигини йўқотмайди.

## REFERENCES

1. Конфуций. Мухокама ва баён. Т.: Янги аср авлоди. 2013.
2. Ibn Miskawayh «Tahdib ul-akhlaq». Beirut. 1966. –R. 14-26.
3. Ibn Miskawayh. Al-Khikmat al-holida. – Beirut. 1952. –R. 15-45.
4. ۱۳۱۹ هـ. مسكويه ابو على. الفوز الاصغار. –بيروت، هـ. ۱۳۱۹. // Miskavayh, Abu Ali. Al-favzul asg'ar. –Bayrut.
5. Sulaymonova, S. N. (2022). IBN MISKAVAYH ASARLARIDA HIND AXLOQIGA OID MULOHAZALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 25), 635-641.
6. Sulaymonov, J. (2021) ABDURAHMON IBN XALDUNNING TAMADDUN TARAQQIYOTI HAQIDAGI QARASHLARIDA JAMIYAT TAHLILI//*Academic Research in Educational Sciences*, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.
7. Sulaymonova, S. N. (2022). ABU NASR FOROBIY VA IBN MISKAVAYH AXLOQIY QARASHLARINING QIYOSIY TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 730-741.
8. Sulaymonova, S. N. (2022). IBN MISKAVAYHNING “TARTIBUS-SAODAT” VA “MANAZILULULUM” ASARI HAQIDA. *Academic research in educational sciences*, 3(12), 684-688.
9. Sulaymonova, S. N. (2021). IBN MISKAVAYH AXLOQIY QARASHLARIDA INSON KAMOLATI MASALASINING QO‘YILISHI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 919-925.
10. Sulaymonova, S. N. (2023). IBN MISKAVAYHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY QARASHLARIDA JAMOAVIY HAMJIHATLIK VA O‘ZARO MUHABBAT MASALASI. *International scientific journal of Biruni*, 2(2), 203-208.